

## ИНГЛИЗ ТИЛИДАН ЎЗБЕК ТИЛИГА ЎЗЛАШГАН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ТАРЖИМА ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЛАБАЛАРГА ЎРГАТИШДА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

**Мавлонова Мавлуда Давуровна**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Чет тиллар кафедраси доцент в.б

[mdmavlonova@gmail.com](mailto:mdmavlonova@gmail.com)

**Аннотация:** Ушбу мақолада Инглиз тилидан Ўзбек тилига ўзлашган ахборот технологиялари терминлари, уларнинг ўзлашиш жараёнлари ва терминларни имкон қадар таржима қилиб, уни ўзбек тилидаги барча учун тушунарли бўлган муқобилини бериш, уларни амалда қўллаш қийинчиликларини бартараф этиш ҳақида баҳо қилинган.

**Annotation:** This article describes in detail information technology terms that have been adopted from English to Uzbek, the processes of their assimilation, and translating the terms as much as possible, giving them an alternative in Uzbek that is understandable for everyone, and eliminating the difficulties of their practical application.

**Калим сўзлар:** ўзлашма, терминлар, асл сўзлар, бевосита ва билвосита ўзлашиш.

Бир қатор мамлакатларда давлат тилига хорижий сўзларнинг имлоси ва талаффузида хорижий сўзларнинг пайдо бўлишидан ҳимоя қилиш чоралари кўрилган. Масалан, Хитойда барча ўзлашма сўзлар хитой тилига таржима қилинади ёки уларнинг ўрнига аввалгилар томонидан алмаштирилади. Шунга ўхшаш ҳодиса чех тилида XIX асрда, янги тушунчалар ва воқеликларни номлаш учун фақат асл сўзлардан фойдаланиш йўлга қўйилган.

2019 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850 сон фармонида “илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбеккона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш” масаласини алоҳида белгилаб берилиши ўзбек тилига хорижий тиллардан ўзлашаётган терминларни

Ўзбек тилида барча учун тушунарли бўлган муқобилларини топиб, истемолга киритиш масаласида кўп ишлар қилиниши кераклигини англатади. Ўзбек тилига ўзлашган АТ терминларини имкон қадар таржима қилиб, уни ўзбек тилидаги барча учун тушунарли бўлган муқобилини бериш юқоридаги терминларни амалда қўллаш қийинчиликларини бартараф этишга ёрдам беради. Чунки, хозирги кунда АТ ҳамма соҳаларда муҳим жараённи амалга оширмақда. Ўзлашма АТ терминларини кўпроқ соҳа мутахассислари яхши тушунади. Ўзга соҳа вакилларига эса кўпроқ тушунарли тилда изоҳи ёки тасвирини бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Глобал компьютерлаштириш даврида, инглиз тилидаги АТ терминларини таржима қилиш усуллари бўйича изланишларнинг долзарблиги шубҳасиздир. Бу жараёнда илмий-техникавий таржима соҳаси алоҳида аҳамиятга эга.

Филологлар, тилшунослар, таржимонлар илмий ва техника соҳасига оид терминларнинг мавжудлиги, турли хил қисқартмаларнинг кенг тарқалиши, баъзи синтактик ўзгаришларнинг бошқалардан устунлиги, бир қатор грамматик қурилишларни таржима қилишнинг ўзига хос хусусияти ва бошқалар билан ажралиб туришини таъкидлашади. АТ матнини ҳам ўз ичига қамраб оладиган илмий-техникавий таржимаси хусусида кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрларини ўрганиб чиқиш мумкин. Уларнинг аксарияти АТ терминларини таржима қилишда неологизмлар билан боғлиқ таржима муаммолари ҳақида сўз юритилади. Р.Пронинанинг қайдича, “ўз соҳасида жуда кўп махсус терминлар бўлишига қарамай, илмий ва техник адабиётлар тили кенг тарқалган сўзлар ва ибораларнинг катта қисмини ўз ичига олади ва умумистеъмолдаги сўзларнинг катта қисми кўп маъноли сўзлардир” дея таъкидлайди .

АТ терминлари ҳам илмий-техникавий матнлар терминологияси ҳисобланиб, бундай терминларни таржима қилишда ўзига ҳос таржима қийинчиликлари пайдо бўлиши мумкин.

Рус тили АТ матнларида махсус терминларнинг ишлатилиш ҳолатини ўзбек тилида ҳам учратиш мумкин. Бизга маълумки, ўзбек тилидаги кўплаб АТ терминлари бевосита инглиз тилидан ёки билвосита рус тилидан тилимизга кириб келган.

Р.О.Синдега АТ терминлари ва уларнинг таржималари хусусида қуйидаги фикрларни баён этади: “Компьютер терминологиясининг ажралиб турадиган хусусияти унинг метафорик маънога эгаллиги, хиссий таъсирчанлигидадир, чунки термин яратувчилар ва фойдаланувчилар учун компьютер технологиялари соҳаси ақлли эканлигини таъкидлайди. Масалан, курсорнинг ҳаракатини тартибга солувчи мосламани англатувчи “сичқонча (mouse)” термини ташқи кўринишидан “сичқон” жонзодига ўйшайди. Шунингдек “Windows” дастурининг номи компьютер

экранидаги Windows кўринишидаги маълумотларни тақдим этиш тамойилининг ўхшашлигига асосланган. Улар нафақат компьютер мутахассисларнинг кундалик ҳаётида, балки ҳар қандай ёшдаги ва касб эгалари томонидан ишлатилади. Таржима қилишда бу хусусиятларни ҳисобга олиш керак бўлади” [9, 307-бет].

АТ ва бошқа соҳаларга оид терминларнинг таржима хусусида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни таҳлили қилиб қуйидаги аҳамиятли жиҳатларга эътибор қаратишни лозим :

Биринчидан, термин билан ифодаланган сўзларни тўғри аниқлаш учун сиз ушбу терминга тегишли бўлган фан ва технологиялар соҳасини билишингиз керак;

Иккинчидан, термин аниқ белгиланган тушунча, ўзига хос маъно билан боғлиқлиги ва тавсифланганлигига қарамасдан, уни алоҳида семантик бирлик сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас, чунки маълум техник маънога эга бўлган бир қатор терминлар бўлиши мумкин. Уларнинг маъновий таркибини ушбу соҳада ишлатиладиган соҳага қараб ўзгартириш керак;

Ва охиргиси шундаки, терминларни тўғри тушуниш ва таржима қилиш учун, шунингдек, терминларнинг морфологик тузилишини, уларни умумий сўзлардан ажратиб турадиган семантик хусусиятларини, ибораларнинг асосий турларини, тузилиш хусусиятларини ва фойдаланиш хусусиятларини билиш керак.

АТ соҳаси таркибидаги барча терминлар қуйидагиларга бўлинган:

- оддий: matrix, modem, chat;
- мураккаб: software, workstation, interface; joystick;
- термин бирикмалар: flat liquid crystal device (LCD) display, letter-quality printing.

Оддий терминлар бир терминтизим доирасида бўлиб, ўзига хослик билан ажралиб туради ва улар бирор мавзунинг калит сўзлари сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Мураккаб терминлар бир терминтизимда учратиш мумкин, аммо контекстга қараб ҳар хил маъноларга эга бўлади: workstation – иш жойи (АТ соҳаси), ошпазнинг иш жойи (ресторан хизматлари) ва бошқалар.

Бундан келиб чиқадики, бундай терминлар берилган сўзнинг семантик муҳитида кўриб чиқилиши керак. Термин бирикмалар сўзлар занжирини ўзида акс эттиради. Ундаги асосий белги охирги сўз ва белгиланадиган сўз охиргидан битта олдинги сўз, ибора ёки термин бирикма ҳисобланади. Бундай терминларнинг тез-тез ишлатилиши натижасида иборалар қисқартма билан алмаштирилади, кейинчалик улар бошқа мураккаб терминнинг бир қисми бўлиши мумкин. Масалан, Message Handling System (хабарларни узатиш тизими) ҳозирги кунда кўпроқ MHS қисқартмаси қўлланади; Novell MHS - Новелл хабарларни қайта ишлаш тизими. Шундай қилиб, таржима жараёнидаги асосий параметрлар сифатида нафақат бошланғич матннинг маъносини етказиш учун мос вариантни танлашни, балки

билим, мантик, контекст, синонимни танлашда тушунчани мувофиқлаштириш қобилиятини таъкидлайдилар. Шунингдек, технологик стандартларнинг номлари ва дастурий маҳсулотлар номлари таржима қилинмайди. Масалан, Bluetooth симсиз алоқа стандарти ўзбек тилида кўк тиш эмас, балки Bluetooth технологияси. Дастурий маҳсулот номига мисол сифатида Adobe Photoshopни (Адобе компаниясидан тасвир ажратувчи муҳаррир) фойдаланишингиз мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, дастурий маҳсулотлар номларининг икки гуруҳи мавжуд. Биринчиси, йирик корпорациялар томонидан ишлаб чиқилган биринчи дастурий таъминот одатда “ишлаб чиқарувчи + маҳсулот номи” каби номларга, масалан юқорида айтиб ўтилган Adobe Photoshop ёки Microsoft Windows. Иккинчи гуруҳ - бу ташаббускорлар жамоалари томонидан ёзилган иловалар бўлиб, одатда очик манба модели доирасида, яъни улар ишлаб чиқарувчининг номи кўринишидаги ном олдида келади. Масалан, Gnome, Gimp, KDE. Иккала гуруҳ номлари ҳам таржима қилинмайди.

Таржиманинг иккинчи усули - бу транскрипция орқали сўз асосини таржима тилига олиб ўтиш, яъни бугунги кунда энг кенг тарқалган ўзбек алифбосидаги ҳарфлар ёрдамида асл терминнинг талаффуз шаклига кўра таржима тилида қўллаш. Масалан, “принтер”, “сканер”, “файл” ва бошқалар.

Таржима қилинаётганда таклиф қилинган тўртта усул профессионал фаолият сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас. Агар таржимон таржима матнида соҳага доир мавжуд бўлмаган терминга дуч келса, биринчи навбатда, унинг таржима қилинмаган гуруҳга тегишлилигини текшириши керак. Агар шундай бўлса, унда ушбу терминнинг аллақачон ўрнатилган варианты мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш керак. Бунинг учун сиз Интернетдан, электрон луғатлардан фойдаланишингиз мумкин, чунки улар энг янгиланган манба ҳисобланади. Агар терминнинг таржимаси аллақачон мавжуд бўлса, у қайси модел асосида қурилганлигидан қатъий назар ишлатилиши керак. Муайян муддатга ишлаб чиқилган номни ўзгартиришга уринишлар деярли мумкин эмас. Одатда ўзлашма терминлар фақатгина шу соҳа вакиллари учунгина тўлақонли тушунарли бўлади. Жумладан, “disassembling - дизассемблерлаш” термини АТ соҳасини яхши билмаган инсон учун тушунарсиз термин ҳисобланади. Ушбу термин ўзбек тилига ўзлашма бўлиб ўтган. Агар ушбу терминни лисоний тежамкорлик тамойили асосида унинг асосий маъносини ўзбек тилида бера олсак, бу барча учун тушунарли термин ҳисобланади. Бунда ўша терминнинг АТ терминтизимда қандай вазифа бажариши ва унинг хусусиятлари эътиборга олинади. АТ терминларининг изоҳли луғатида “дизассемблерлаш – процессор учун кўрсатмаларни нисбатан осон ўқиладиган дастур матнига айлантириш. Дизассемблерлаш мақсади одатда бошқа дастурларни

ўзгартиришдир (одатда бу муҳофазани бузиш). Дизассемблерлаш бажарилаётган файлни Ассемблер тилидаги дастур матнига айлантиради”. Бу терминнинг ўзбек тилида аниқ эквивалентни мавжуд бўлмаганлиги учун у тўғридан-тўғри ўзбек тилига ўзлашган. Биз терминнинг функцияси ва унинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзбек тилидаги муқобили сифатида “дизассемблерлаш” эмас, балки “процессор ишини осонлаштириш” термин бирикмасини таклиф этдик. Бу жараёнда “аниқлик киритиш” таржима усулидан фойдаланилди. Одатда “cash – кеш/кэш” ўзлашма термини ҳам осон коммуникация жараёнига кириб кета олинмаган термин ҳисобланмайди. АТ терминларининг изоҳли луғатида “кеш” терминига қуйидагича таъриф берилган: кеш – “ўқилиши секинроқ бўлган хотирада сақланаётган, бироқ у ердан сўралиш эҳтимоли катта бўлган ахборотнинг нусхаси сақланадиган тез ўқиладиган оралик буфер. Шундай қилиб, дастлаб компьютер ва информатика билан боғлиқ соҳалаштирилган луғат сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида АТ соҳасидаги луғатга айланиб, нафақат ўз ҳажмини кенгайтирибгина қолмай, балки кенг фойдаланишга киришди. Компьютерлаштиришнинг прогрессив жараёнлари бир тилда ёзилган тегишли матнларни бошқа тилга етарли даражада таржима қилиш заруратини келтириб чиқаради. Бугунги кунда инглиз тилидаги АТ терминларини ўзбек тилига таржима қилишнинг долзарблиги техник ҳужжатлар, адабиётлар ва бошқа дастурий маҳсулотларни таржима қилиш зарурати билан боғлиқ.

Инглиз тилидан ўзлашган АТ терминларининг ўзбек тилида лисоний тежамкорлик тамойили асосида муқобилини беришда аниқлик киритиш, тасвирий эквивалентлик, функционал эквивалентлик таржима трансформациялари самарали эканлиги аниқланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. А.А.Вайзе. Перевод технической литературы с английского на русский: учеб. пособ. – Минск. 1997. – 112 с.
2. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Узбекская техническая терминология на современном этапе: Дис. док. ... филол. наук. – Т., 1988.
3. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. – Тошкент: 2004. – 500 б.
4. <http://translationjournal.net/journal/41culture.htm>